

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ОТМНИ ЎРНИ

Уринова Хуршида
ЎзЖОКУ ўқитувчиси

Таянч ибора: *экологик муаммо, экологик таълим, экожурналистика (ЎзЖОКУ мисолида), экологик таълим самарадорлиги*

Сўнгги йилларда глобал экологик муаммоларнинг авж олиши дунё микёсида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам глобал экологик муаммоларнинг олдини олиш, атроф-муҳит муҳофазаси, экологик маданиятни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик маданиятни шакллантиришда таълимнинг, аниқроғи, экологик таълимнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Экологик таълим ўзи нима? Экологик таълим самарадорлигини ошириш учун нима қилиш керак? Экологик таълим бу доимий таълим жараёни бўлиб, хулқ-атвор меъёрларига асосланган махсус билимларни олиш, табиат ва жамият ўртасидаги боғлиқликни тушунтириш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, инсониятга омонат қилиб топширилган табиатни оқилона бошқариш ва экологик хавфсизлик тушунилади.

Ўзбекистонда Орол муаммоси, сув муаммоси, чиқиндини қайта ишлаш ва уни бартараф этиш муаммоси, иқлимнинг кескин исиб кетиши, табиий ресурслардан беминнат фойдаланиш ва шу каби кўплаб экологик муаммоларни бартараф этишда кадрлар масаласи жуда долзаблигини кўрсатади. Бу эса ўқитувчилар зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

Экологик таълимнинг ҳуқуқий асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ва “Табиатни кўриклаш тўғрисида”ги қонунлар, 2030 йилгача бўлган Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш Концепциясига мувофиқ узлуксиз таълим тизимига ўтишни мисол келтиришимиз мумкин. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик маданиятини ошириш мақсадида “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида барча турдаги таълим муассасаларида экология фанини ўқитиш мажбурийлиги белгилаб қўйилган.²²

Олий ўқув юртларида, жумладан, ЎзЖОКУ талабаларига экологик таълим бериш жараёнида, ёш журналистларга “экология”,

²² “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни

“экожурналистика” тушунчаси ҳақида кенг маълумот берилмоқда. Бугунги кунда экологик журналистика кучайиб бормоқда, чунки мамлакат олдида турган экологик муаммоларнинг моҳияти ва аҳамияти кенг жамоатчилик ва давлатнинг эътиборини талаб этмоқда. Бу борада ОАВ кенг жамоатчилик ва экологик муаммолардан жамоатчиликни хабардор қилиш ҳамда табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни асраш жараёнларида иштирок этаётган турли ташкилотлар ўртасида боғловчи занжир вазифасини бажаради. Ушбу соҳа Ўзбекистонда 1990-йиллар бошида алоҳида йўналиш сифатида юзага келган.²³

Экологик таълимнинг инновацион усулларида фойдаланиш, янги педагогик, ахборот ва интернет технологияларини татбиқ қилиши муҳим аҳамият касб этади. Фанни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот (дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, модуль топшириқлари)дан фойдаланиш тавсия этилади. Маъруза ва амалий машғулотларда турли метод ва воситалардан ақлий ҳужум, кластер, матбуот анжумани, брифинг, дамино кейс-стади, амалий иш ва дидактик ўйинлар), шунингдек, компьютер дастурларидан ва интернет тизимларидан фойдаланиш мумкин.

– экологик муаммолар, халқаро экологик ҳамкорлик, экологик журналистиканинг ҳуқуқий кафолатлари, барқарор ривожланиш мақсадларининг ОАВда ёритилиши, экологик нашрлар, ижтимоий тармоқлар, блоглар, онлайн таҳририятларда фаолият кўрсатадиган журналист мажбуриятлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;

– “Экожурналистика” фанини ўрганиш жараёнида мавзуларга оид турли кўرғазмали қуроллар, қонунлар ва қонуности ҳужжатлари чоп этилган манбалар, тарқатма материалларни билиши ва улардан фойдалана олиши;

– экологик журналистикани таҳлил қилишда журналистиканинг асосий принципларига амал қилиш кўникмасига эга бўлиши керак.

Экологик таълим самарадорлигини ошириш учун талабалар иштирокида турли хил акциялар уюштирилиши лозим. Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ўтказилаётган тадбирнинг ёшлар ўртасида оммалашishi, оммавий маданиятнинг сезиларли даражада ўсишига сабаб бўлиши мумкин. Ёшларда, тадбир иштирокчилари ўртасида инсоннинг табиат билан бевосита боғлиқлиги, эртанги тақдири айнан шу табиатни

²³ Н.С. Қосимова. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари барқарор ривожланиш манфаатлари йўлидаги таълим соҳасидаги ҳамкорлик сифатида. //Ўқув қўлланма. Тошкент-2017-154 –бет.

асраш, ундан унумли, оқилона, исрофгарчиликсиз фойдаланиш ҳиссини шакллантириш асосий омилларидан ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги кунда экологик таълим қониқарли даражада эмас. Сабаби малакавий педагог кадрлар етишмайди. Экология фанидан дарс берадиган ўқитувчилар учун қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш лозим. Тажрибали мутахассислар томонидан ҳар хил тренинг машғулотлари ўтказилиши, хорижий экологлар иштироқида анжуманлар ташкил этилиши, ривожланган давлатлар ўртасида билим алмашинуви, уларнинг тажрибасини ўрганиш, Ўзбекистон экологик муаммоларини олдини олишда ва экологик таълим тизими самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. www.lex.uz

2. Н.С. Қосимова. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари барқарор ривожланиш манфаатлари йўлидаги таълим соҳасидаги ҳамкорлик сифатида. //Ўқув қўлланма. Тошкент-2017-154 -бет.

3. Н.С.Қосимова. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникация университетида ишлаб чиқилган фан дастури.